

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/28.08.2020.1.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ
БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

МЫРЗАТАЕВ САЛАМАТ МУРАТБАЕВИЧ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАРДАН
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ФОЙДАЛАНИШ
ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.14 – Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Мырзатаев Саламат Муратбаевич

Қишлоқ хўжалигида эконометрик моделлардан ахборот технологиялари асосида фойдаланиш йўналишларини такомиллаштириш 3

Мырзатаев Саламат Муратбаевич

Совершенствование использования эконометрических моделей в сельском хозяйстве на основе информационных технологий27

Mirzataev Salamat Muratbaevich

Improving the use of econometric models in agriculture based on information technology 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works55

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/28.08.2020.1.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МЫРЗАТАЕВ САЛАМАТ МУРАТБАЕВИЧ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАРДАН
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ФОЙДАЛАНИШ
ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.14 – Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Iqt1622
рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бердак номидаги Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.urdu.uz) ва «Ziyounet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

- Илмий раҳбар:** Сауханов Жанибек Казиевич
иктисодиёт фанлари номзоди, доцент
- Расмий оponentлар:** Кенжабаев Аман Тургунович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор
Абдуллаев Муинс Курбанович
иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD), доцент
- Етакчи ташкилот:** Тошкент молия институти

Диссертация химояси Урганч давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/28.08.2020.L55.03 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «29» ноябрь соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил 220200, Урганч ш., Х.Олимжон кўчаси - 14. Тел.: (998-62)224-6700; факс: (998-62)224-6700; e-mail: info@urdu.uz.)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Урганч давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (0 29 4 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 220200, Урганч ш., Х.Олимжон кўчаси -14. Тел.: +998 93 9227734, e-mail: info@urdu.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «9» ноябрь куни тарқатилди.
(2021 йил «9» ноябрь даги 19 рақамли реестр баённомаси).



И.С.Абдуллаев
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Ш.Б. Рузметов
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

Б. Рузметов
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий семинар раиси, и.ф.д. профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда аҳоли сонининг ошиши ресурсларнинг чегараланганлик муаммосини юқори босқичга кўтариб, улардан фойдаланиш бўйича қарор қабул қилиш жараёнларида оптимал йўналишларни танлаш тобора долзарб муаммога айланиб бормоқда. “Глобаллашув жараёни чуқурлашаётган шароитда қашшоқликни тугатиш, умумий фаровонликни ошириш, 2050 йилга бориб 9,7 миллиард аҳолини тўйдириш лойиҳасини амалга оширишда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш энг кучли восита сифатида қаралмоқда”¹. Шу сабабли, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ресурслар сарфини камайтириш, самарадорликни ошириш, бундай муаммоларни ечишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, уларни амалиётга тадбиқ қилишда ахборот коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг кўламда фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда табиий ресурслар чекланганлиги ва иқлим ўзгаришлари рўй бераётган бир вақтда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда самарадорликни ошириш орқали аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масалаларини ечишда замонавий ахборот технологиялардан фойдаланишга доир илмий тадқиқот ишларига эҳтиёж ортмоқда. Натижада, қишлоқ хўжалигида мавжуд ресурслардан оптимал фойдаланиш йўналишларини излаб топиш асосида маҳсулот етиштириш ва ушбу жараёнларга инновацион усулларни жорий қилиш, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг устувор йўналишларини белгилаш бўйича амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ишларида ахборот технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш, ресурслар чекланганлиги шароитида қўлланиладиган оптималлаштириш масалаларини ечишга ихтисослашган махсус оммабоп дастурларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида қишлоқ хўжалигида ресурслардан самарали фойдаланиш, экологик инқироз натижасида вужудга келаётган муаммолар шароитида оптимал маҳсулот етиштириш ҳажмини аниқлаш масалаларини ечишда АКТ имкониятларидан фойдаланган ҳолда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари муҳим аҳамият касб этади. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, хусусан, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш”² каби қатор вазифалар белгиланган. Бу

¹ Манба: <https://www.worldbank.org/en/topic/agriculture/overview>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада

борада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш соҳасида қарор қабул қилишда ҳар бир субъект фаолиятида АКТдан фойдаланиш имкониятини яратиб бериш, жабҳада омиллардан фойдаланишнинг оптимал ҳажмини асослаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда математик ва эконометрик моделларни фойдаланишни АКТдан фойдаланган ҳолда соддалаштириш масалалари бўйича олиб борилаётган илмий изланишларни янада кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 28 апрелдаги ПФ-4699-сон “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий давлатларда қишлоқ хўжалигида ахборот технологияларидан фойдаланиш, ақлли қишлоқ хўжалигини шакллантириш назарияси ва амалиёти кўпгина олимлар ва тадқиқотчилар томонидан муайян даражада ўрганилган. Жумладан, Раденович, Жарко ва Крстич, Боян ва Маркович, Милан, Муҳаммад Али, Носрида Ман, Фарраҳ Муҳарам, Жаи З., Мартинез Ж.Ф., Белтран В. ва Мартинез Н.Л., Чеунг М.Ф., То У.М., Миланович, Славолжуб К., Неҳра, Мукеш Жангра, Сумит Жангра, Раж Кумар, Чау П.Й, Ху П.Ж.Х.³ ва бошқаларнинг илмий тадқиқотарида мазкур масалалар тадқиқ қилинган.

МДҲ олимларидан Федоренко В.Ф., Коптелов А., Семилякова К.В., Ананьев М.А., Горяев, Г.Д., Головков В.А., Шафранская И.В., Асалханов П.Г., Бендик Н.В., Чибисова И.С., Платонова Т.Е.⁴ ва бошқа олимларнинг илмий

ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

³ Rađenović, Žarko & Krstić, Bojan & Marković, Milan. (2020). Smart farming in agricultural industry: Mobile technology perspective. *Ekonomika poljoprivrede*. 67. 925-938. 10.5937/ekoPolj2003925R.; Ali, Muhammad & Man, Norsida & Muharam, Farrah. (2020). Intention Level of Farmers to Use Information Communication Technologies for Agricultural Risk Management in Malaysia. *Journal of International Agricultural and Extension Education*. 27. 108-117. 10.5191/jiaee.2020.272108; Zhai, Z., Martinez, J.F., Beltran, V., & Martinez, N.L. (2020). Decision support systems for agriculture 4.0: Survey and challenges. *Computers and Electronics in Agriculture*, 170. doi: <https://doi.org/10.1016/j.compag.2020.105256>; Cheung, M.F. and W.M. To. 2017. The influence of the propensity to trust on mobile users' attitudes toward in-app advertisements: An extension of the theory of planned behavior. *Comput. Hum. Behav.*, 76: 102-111. <https://doi.org/10.1016/j.chb.2017.04.038>; Milovanovic, Slavoljub. (2014). The role and potential of information technology in agricultural improvement. *Ekonomika poljoprivrede*. 61. 471-485. 10.5937/ekoPolj1402471M.; Nehra, K & Jangra, Mukesh & Jangra, Sumit & Kumar, Raj. (2018). Role of Information Technology in Agriculture; G.F. Ortmann. (2000) Use of information technology in south african agriculture. *Agrekon*, Vol 39, No 1.; Chau, P.Y. and P.J.H. Hu. 2001. Information technology acceptance by individual professionals: A model comparison approach. *Decis. Sci.*, 32(4): 699-719. <https://doi.org/10.1111/j.1540-5915.2001.tb00978.x>.

⁴ Федоренко В.Ф. Научно-информационное обеспечение инновационного развития в сфере сельского хозяйства/ В.Ф. Федоренко.-Москва: ФГБНУ “Росинформагротех”, 2011. – 368 с.; Коптелов, А. Информационные

тадқиқотларида агросаноат комплексига ахборот технологияларни жорий қилиш, моделлаштириш ва оптималлаштириш дастурий таъминот платформасини яратиш масалалари кенг ёритилганлиги эътиборга лойиқ.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Гулямов С.С., Шодиев Т.Ш., Абдуллаев И.С., Абдуллаев Ё.А., Бегалов Б.А., Досчанов Т.Д., Рузметов Б.Р., Салаев С.К., Қўчқоров Т.С., Кенжабаев А.Т.⁵ ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, соҳада маҳсулот етиштириш жараёнларини моделлаштириш, қишлоқ хўжалигида оптимал ечимларни таъминлашда ахборот технологияларидан фойдаланиш, истиқболдаги кўрсаткичларини эконометрик моделлар асосида прогнозлашнинг назарий-услубий ҳамда илмий-амалий муаммолари атрофлича тадқиқ этилган.

Бироқ, мазкур тадқиқотларда, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ахборот технологияларини жорий қилиш масалалари умумий ҳолда тадқиқ қилинган бўлсада, бугунги жаҳон иқтисодиётидаги ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда эконометрик моделлаштириш масалаларидан фойдаланиш йўналишларини ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда соддалаштириш, бунинг учун махсус дастурларни яратиш масалалари етарлича ўрганилмаганлиги соҳада чуқур илмий изланишлар олиб

технологии в сельском хозяйстве / А.Коптелов, О.Оситнянко // Агробизнес: информатика – оборудование – технологии. – 2010. – № 12. – С. 60–64. – С. 63.; Семилякова К.В. Применение информационных технологий в АПК // Nauka-rastudent.ru. – 2014. – №. 12 (12–2014) / [Электронный ресурс] – Режим доступа. – URL: <https://readera.org/14329593>; Ананьев М.А. Применение информационных технологий в АПК /М.А. Ананьев, Ю.В. Ухтинская. [Электронный ресурс] – URL: www.sisupr.mrsu.ru; Горяев, Г.Д. Информационные технологии в АПК : учеб. пособие / Ю.Н. Арылов; Г.Д. Горяев. — Элиста : Калмыцкий государственный университет, 2008. — 128 с. : ил. — ISBN 978-5-91458-043-5. — URL: <https://rucont.ru/efd/365280>; Головкин В.А., Шафранская И.В. Моделирование и оптимизация в АПК. Методические указания. — Гродно: ГГАУ, 2015. — 59 с.; П.Г. Асалханов, Н.В. Бендик. Структура программно-аппаратной платформы и определение типовых ИТ-технологий в отраслях растениеводства и животноводства Иркутской области. Цифровые технологии и системы в сельском хозяйстве материалы международной научно-практической конференции. 8-10 октября 2019 г., — Иркутск: Изд-во Иркутский ГАУ, 2019. 3-10 с.; Чибисова И.С. Применение информационных технологий в сельском хозяйстве России / И.С. Чибисов // Эпоха науки. - 2018. - № 13. - С. 92-96.; Платонова Т.Е. Основные тенденции государственного регулирования АПК в свете применения технологий цифровой экономики: региональный аспект/ Т.Е. Платонова, О.Н. Склюева // Региональная экономика и управление: электронный научный журнал. ISSN 1999 - 2645. - №1 (57). Номер статьи: 5712. Дата публикации: 2019-03-21 [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://eee-region.ru/article/5712>.

⁵Gulyamov S.S., Abdullaev A.M., Olimjonov A.U. Vaqtli qatorlarning statistik tahlili va mavsumiy tebranishlarni prognozlashtirish. /B.To'rayevning umumiy tahriri ostida. -Т.: «Fan va texnologiya», 2016, 284 bet; Шодиев Т.Ш. Проблемы моделирования развития сельского хозяйства (на примере Узбекистана): Дис. ...док. экон. наук. Т. 1988. – 380 с.; Абдуллаев Ё.А. Статистика назарияси. Дарслик, -Т.: Ўқитувчи, 2002. – б. 592.; Махмудов Н.М. Моделирование производственно-экономических процессов хлопко перерабатывающих отраслей: Автореф. дисс. ...док. эк. наук. -Т.: ТГЭУ. 1993. - 36 с.; Беркинов Б.Б. Моделирование систем ведения сельского хозяйства. - Т.: Фан, 1991.; Бегалов Б.А. Ахборот коммуникациялар бозорининг шаклланиши ва ривожланиш тенденцияларини эконометрик моделлаштириш. иқт.фан.док.дисс. -Т.: ТДИУ. 2001. – 330 б; Досчанов Т.Д. Экономико-экологические основы производства и применения продукции химической промышленности в АПК. дисс. на соис. докт. экон. наук. Т.: 1990. – 405 с. , Рузметов Б.Р. Комплексное развитие региона в условиях углубления экономических реформ. Автореф. дисс. ...док. эк. наук. -Т.: 1998. - 39 с.; Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш. иқт.фан.док. дисс. -Т.: ТДИУ. 2008. - 298 б., Абдуллаев И.С. Минтақавий иқтисодий тизимни оптимал тартибга солишнинг механизмларини такомиллаштириш. иқт.фан.док. автореф. – Т.: ТДИУ. 2017. – 66 б., Кенжабаев А.Т. Эконометрическое моделирование развития промышленности города: на примере города Алмалыка: Дис... канд. экон. наук. - Т., 1990;

боришни тақозо этиши мазкур мавзунинг тадқиқот иши сифатида танланишига асос бўлди.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Қорақалпоқ давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қишлоқ хўжалигида эконометрик моделлардан ахборот технологиялари асосида фойдаланиш йўналишларини такомиллаштирган ҳолда ресурслардан оптимал ечимларни аниқлаш, хўжаликлар дорамадини ошириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматларнинг қишлоқ хўжалиги ва унинг тармоқлари ривожига таъсирини корреляцион-регрессион усуллар асосида баҳолаш;

қишлоқ хўжалигида ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда экинларни оптимал жойлаштириш масаласини ечиш;

экинларни оптимал жойлаштиришнинг соддалаштирилган дастурий таъминотини замонавий веб технологиялари ёрдамида ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалигини ахборот технологияларидан фойдаланиб ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш;

қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш ҳажмининг истиқболдаги прогноз қийматларини кўп вариантли эконометрик моделлар тузиш асосида ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи субъектлар олинган.

Тадқиқот предметини қишлоқ хўжалигида эконометрик моделлардан ахборот технологиялари асосида фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда илмий абстракция, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, сценарий ва экспертлар усули, чизиқли дастурлаш, иқтисодий-статистик таҳлил, қиёсий таҳлил, регрессион ва корреляцион таҳлил, эконометрик моделлаштириш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон Республикасида хизмат турлари, жумладан, ахборот ва алоқа, транспорт, ижара ва лизинг соҳасидаги хизматларни қишлоқ хўжалигини ривожланишига таъсир қилувчи параметрларини устуворлик даражаси ер, сув, ишчи кучи ва ёнилғи ресурсларининг мавжуд имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган;

асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми билан қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида яратилган маҳсулот ҳажми орасида мусбат, заиф мутаносибликни мавжуд ресурслардан оптимал фойдаланиш усуллари асосида бартараф этишнинг кўп омилли эконометрик моделлар ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчилар фаолиятини ташкил қилиш, даромадни максималлаштириш масалаларининг оптимал ечимларига эришишни таъминловчи “Farm optimization” модели ишлаб чиқилган;

Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг 2022–2025 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматларнинг қишлоқ хўжалиги ривожига таъсири корреляцион-регрессион усуллари, эластиклик коэффициенти ёрдамида баҳоланган;

қишлоқ хўжалигида экинларни оптимал жойлаштириш масаласини ечишнинг фермер хўжаликлари доирасида ҳам фойдаланишга имкон берадиган соддалаштирилган дастурий таъминоти ишлаб чиқилган;

“Farm optimization model” номли ахборот тизими асосида даромадларни оптималлаштиришни таъминлайдиган экин турлари ҳамда самарадорликни оширишнинг устувор йўналишларини аниқлаш имконияти ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ўзгармас нархлардаги қийматининг истиқболдаги прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш моделлари таклиф қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда қўлланилган ёндашув, хусусан, миқдорий усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси даврий ҳисоботларидан олинганлиги, келтирилган таҳлил ва тажриба-синов ишлари самарадорлиги, тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган ва амалиётга муваффақиятли қўлланилган дастур ва унинг асосида олинган натижалар эконометрик ва статистик усуллар воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматларининг қишлоқ хўжалиги ривожига таъсирини баҳолаш, қишлоқ хўжалигида ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда экинларни оптимал жойлаштириш масаласини ечиш ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалигида ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда самарадорликни оширишнинг устувор йўналишларини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган илмий-услубий тавсияларнинг қишлоқ хўжалигида эконометрик моделлардан ахборот технологиялари асосида фойдаланиш йўналишларини такомиллаштиришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертациядаги статистик усуллар ва эконометрик моделлар, ишлаб чиқилган дастурий таъминот, таклиф ва хулосалардан қишлоқ хўжалигида эконометрик моделлардан ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган

истикболли дастурларни фермер хўжалиги, минтақа ва давлат миқёсида ишлаб чиқиш, мавжуд экологик ва ресурслар тақчиллиги билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш, олий таълим муассасаларида “Статистика ва эконометрия”, “Иқтисодиётда ахборот-коммуникацион технологиялари” фанларини ўқитишда ва соҳага оид илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ хўжалигида эконометрияк моделлардан ахборот технологиялари асосида фойдаланиш йўналишларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

– Қорақалпоғистон Республикасида хизмат турлари, жумладан, ахборот ва алоқа, транспорт, ижара ва лизинг соҳасидаги хизматларни қишлоқ хўжалигини ривожланишига таъсир қилувчи параметрларини устуворлик даражаси ер, сув, ишчи кучи ва ёнилғи ресурсларининг мавжуд имкониятларини ҳисобга олиш бўйича берилган таклиф Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги амалиётида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 14 сентябр 04/04-2508-сон маълумотномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш қишлоқ хўжалигига таъсир қилувчи хизмат турларини аниқлаш ҳамда уларнинг таъсирини миқдорий усуллар ёрдамида баҳолаш имкониятини яратган;

– асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми билан қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида яратилган маҳсулот ҳажми орасида мусбат, заиф мутаносибликни мавжуд ресурслардан оптимал фойдаланиш усуллари асосида бартараф этишнинг кўп омилли эконометрияк моделлари бўйича берилган таклиф Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги амалиётида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 14 сентябр 04/04-2508-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф қишлоқ хўжалиги экинларини оптимал жойлаштириш масаласини ечишни соддалаштирилган дастурини амалиётга жорий қилишга хизмат қилган;

– қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчилар фаолиятини ташкил қилиш, даромадни максималлаштириш масалаларининг оптимал ечимларига эришишни таъминловчи “Farm optimization” модели юзасидан берилган таклиф Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги амалиётида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 14 сентябр 04/04-2508-сон маълумотномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш фермер хўжаликлари доирасида экинларни оптимал жойлаштиришни таъминлаш асосида фойдали экин турларини аниқлаб, даромадни 1,62 баробаргача ошириш имконини яратган;

– Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг 2022–2025 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари бўйича берилган таклиф Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги амалиётида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 14 сентябр 04/04-2508-сон маълумотномаси). Мазкур прогноз натижалари қишлоқ

хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та, жумладан, 3 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шу жумладан, ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 6 та мақола (4 та республика ва 2 та хорижий журналларда) нашр этилган.

Шунингдек, тадқиқот натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлиги томонидан ЭХМ учун яратилган дастур ва маълумотлар базасининг расмий рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида 2 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 125 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Ахборот технологиялари асосида қишлоқ хўжалигида оптимизацион моделларни ечишнинг назарий ва услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида қишлоқ хўжалигида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг аҳамияти, қишлоқ хўжалигида оптимизацион моделлардан фойдаланишнинг назарий-услубий асослари тадқиқ этилган.

Дунё аҳолисини муттасил ўсиб бориши, уни боқиш учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини ҳам шунга мутаносиб равишда оширишни талаб қилмоқда. Жумладан, 2050 йилга келиб, дунё аҳолисини боқиш учун қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулот миқдорини 60 фоизга ошириш талаб қилинади⁶. Келгусида кутилаётган бу каби глобал муаммоларга ечим топишда АКТдан фойдаланган ҳолда мавжуд имкониятларни кенгайтириш ягона йўналиш бўлиб қолмоқда.

АКТ об-ҳаво, ишлаб чиқариш омиллари, бозор ва нархлар ҳақида ўз вақтида ишончли ахборотларни тўплаш, илмий тадқиқот ишлари ҳамда ривожланишни қўллаб-қувватлаш бўйича ташаббусларни зарурий маълумот билан таъминлаш, фермер ва бошқарувчилар орасида ўзаро ҳамкорлик,

⁶ Манба: <https://www.worldbank.org/en/topic/agriculture/overview>

тажриба ва билим алмашишни кенг йўлга қўйиш, ишлаб чиқарувчи ҳамда истеъмолчиларни бир-бири билан боғлаш каби қатор йўллар орқали қишлоқ хўжалигида самарадорликни оширишга хизмат қилиб келмоқда. АКТнинг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти ва ролини ифодаловчи айрим йўналиш ҳамда соҳаларни келтириб ўтамиз (1-расм).



1-расм. Қишлоқ хўжалигида АКТдан фойдаланишнинг асосий йўналишлари ва имкониятлари ⁷

Қишлоқ хўжалигида ахборот технологияларидан фойдаланиш қатор мақсадлар кўзлагани ҳолда, соҳанинг ўсиши, қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ ҳудудларида бандлик, маҳсулдорлик ва фаровон турмуш тарзига эришиш бўйича имкониятларни яратади ва улар бўйича ахборот билан таъминлашга хизмат қилади. Қишлоқ хўжалигида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- мулкчилик муносабатларини мустаҳкамлаш ва тадбиркорликнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш;
- мавжуд ресурслардан оптимал фойдаланиш йўналишларини аниқлашда фойдаланиш;
- технологиялардан фойдаланиш бўйича билимларни ўргатиш ва тарқатиш;

⁷ Манба: Муаллиф ишланмаси

– ўсимликларни етиштиришдан то унинг истеъмолигача бўлган жараёнлар тўғрисида маълумот бериш;

– соҳа вакиллариغا хорижий шериклар излаб топиш ва улар билан ҳамкорлик қилиш, тажриба алмашишига ёрдам бериш;

– ривожлантириш стратегиялари ва дастурларини ишлаб чиқиш, инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш;

– соҳага давлат ва аҳоли жамғармаларини жалб қилишни рағбатлантириш;

– маҳаллий ва жаҳон бозорлари бўйича маълумотлар базасини шакллантириш;

– молия, банк хизматларидан фойдаланишни қулайлаштириш;

– фан ва технологиялар асосида инновацион тажрибалардан фойдаланиш.

Амалиётда фермер хўжаликлари қарор қабул қилишда кўп йиллар мобайнида эгаллаган тажрибалари, ички ҳислари, кўшни ва рақобатчи фермерларнинг ҳаракатларини кузатишади ва уларга таянишади. Фермер хўжаликларини бошқариш бўйича мутахассислар томонидан бюджетни шакллантириш ва ундан фойдаланиш, қиёсий таҳлилни амалга оширишнинг расмий услублари ишлаб чиқилган бўлиб, улар қарорларни таҳлил қилишда анча самарали ва фойдали усуллардан ҳисобланади.

Бироқ, бу каби усулларнинг қўлланиши мураккаб бўлган жараёнларда етарли даражада самара бермайди. Фермер хўжаликлари мақсадлари ҳамда уларнинг имкониятлари даражасида ресурслар бўйича чекловларни ўзида акс эттирган оптималлаштириш моделлари, кўпчилик ҳолатларда хўжалик фаолиятини режалаштириш ҳамда уни айнан қандай маҳсулотлар етиштириши кераклиги тўғрисидаги саволларга жавоб олишда самарали усул сифатида қўлланилиб келинмоқда.

Чизиқли дастурлаш масаласининг қўйилиши икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида мақсад функцияси келтирилади. Мақсад функцияси икки хил кўринишда бўлиши мумкин яъни, даромадни максималлаштириш ёки харажатларни минималлаштириш. Даромадларни максималлаштириш бўйича чизиқли дастурлаш модели куйидаги кўринишга эга:

$$\max Z = \sum_{j=1}^n c_j x_j \quad (1)$$

Иккинчи қисмда масаланинг оптимал ечимини таъминлаш учун чегаравий шартлар берилади, яъни оптимал ечимни таъминлаш масаласи хўжаликнинг имкониятлари доирасида бажарилиши лозим. Бунда танловлар бўйича фойдаланиладиган ресурслар йиғиндиси мавжуд имкониятдан кичик ёки унга тенг бўлиши кераклиги тенгсизлик кўринишида берилади.

$$\sum_{j=1}^n a_{ij} x_j \leq b_i \quad (2)$$

Шунингдек, бу кўринишдаги иқтисодий масалаларни ечишда шунга алоҳида эътибор қаратиш талаб қилинадикки, ҳар қандай фаолият турини амалга ошириш учун зарур бўлган меъёрий ресурслар ҳажми мусбат ва нолдан катта бўлиши лозим. Иқтисодий масалаларни ечишда манфий қийматлар қабул қилинмайди. Натижада, куйидаги кўринишдаги чегаравий шартни киритиш

талаб қилинади. Яъни, қишлоқ хўжалиги мисолида қараганда ҳар бир экин тури бўйича экиладиган майдон ҳажми нолдан катта бўлиши керак:

$$x_j \geq 0 \quad (3)$$

Қисқача қилиб айтганда, келтирилган масаланинг асосий мақсади фермер хўжалигининг ресурслар бўйича мавжуд имкониятлари доирасида эришиши мумкин бўлган энг юқори даромад даражасига эга бўлишни таъминлаш ҳисобланади.

Юқорида келтирилган тадқиқотларимиз натижаларига кўра, қишлоқ хўжалигида мавжуд муаммоларни бартараф этиш, ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйишда чизиқли дастурлаш масалаларидан фойдаланиш энг оптимал йўналишлардан бири ҳисобланади. Бироқ, масалани қўйилиши, зарурий маълумотлар базасини шакллантириш жараёнидаги мураккабликлар мазкур усулдан фермер хўжаликлари доирасида фойдаланишга тўсқинлик қилади. Фикримизча, мавжуд муаммоларни ечилиши, яъни мазкур усул асосида оптимал вариантларни ҳисоблаш, махсус дастурларини ишлаб чиқиш, маълумотлар базасини шакллантириш, уларни доимо янгилаб бориш чизиқли дастурлаш усулидан фойдаланишдаги қийинчиликларни бартараф этишга хизмат қилади.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ахборот технологиялари таъсирини баҳолаш ва прогноз қийматларини ишлаб чиқиш”** деб номланган иккинчи бобда қишлоқ хўжалигининг минтақа ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашдаги роли баҳоланган, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ахборот коммуникация хизматларидан фойдаланиш имкониятлари аниқланган, оптималлаштириш масалаларини ечишда ахборот технологияларидан фойдаланиш учун маълумотлар базаси шакллантирилган.

Қишлоқ хўжалиги Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожланишида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, жами қўшилган қийматнинг 30,4 фоизини, олдинги йилга нисбатан 2,6 фоизга ўсишининг 0,6 фоизини қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ташкил қилади. Қишлоқ хўжалигининг минтақа ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсирини миқдорий усуллар асосида баҳолаш натижалари соҳанинг ўрни жуда юқори эканлигини кўрсатмоқда (1-жадвалга қаранг).

ЯХМ ҳажми билан қишлоқ хўжалиги маҳсулоти орасидаги корреляция коэффиценти 0,99 тенг. Бундан ташқари, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, чакана савдо товар айланмаси, хизматлар ҳажми, ташқи савдо айланмаси кўрсаткичларини қишлоқ хўжалиги билан бевосита боғлиқ эканлиги асосланди. Бироқ, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми билан қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида яратилган маҳсулот ҳажми орасида мусбат, заиф боғлиқлик мавжуд. Тадқиқотларимиз натижаларига кўра, қишлоқ хўжалигида асосий капиталга киритилган инвестициялар, ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш самардорлиги пастлигича қолмоқда, хусусан, инсон капиталидан фойдаланиш талаб даражасида эмас.

Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларининг корреляцион таҳлил натижалари⁸

	ЯҲМ	Саноат маҳсулоти	Истеъмол товарлари	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	Асосий капиталга киритилган инвестициялар	Қурилиш ишлари	Чакана савдо товар айланмаси	Жами хизматлар	Ташқи савдо айланмаси	Экспорт	Импорт	Салдо	Бандлик даражаси
ЯҲМ	1.00												
Саноат маҳсулоти	0.97	1.00											
Истеъмол товарлари	0.98	0.96	1.00										
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	0.99	0.96	0.97	1.00									
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	0.36	0.17	0.33	0.39	1.00								
Қурилиш ишлари	0.94	0.86	0.95	0.93	0.43	1.00							
Чакана савдо товар айланмаси	1.00	0.96	0.97	0.99	0.42	0.94	1.00						
Жами хизматлар	0.99	0.97	0.99	0.98	0.35	0.96	0.99	1.00					
Ташқи савдо айланмаси	0.92	0.95	0.87	0.90	0.22	0.77	0.90	0.89	1.00				
Экспорт	0.86	0.94	0.81	0.84	0.00	0.67	0.84	0.83	0.97	1.00			
Импорт	0.82	0.73	0.78	0.82	0.64	0.80	0.83	0.79	0.84	0.67	1.00		
Салдо	0.62	0.78	0.58	0.60	-0.39	0.39	0.58	0.60	0.74	0.89	0.26	1.00	
Бандлик даражаси	0.83	0.82	0.89	0.79	0.22	0.87	0.81	0.85	0.78	0.71	0.76	0.46	1.00

Ишлаб чиқариш функциясидан фойдаланган ҳолда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида яратилган маҳсулот ҳажмига инвестициялар ва ишчи кучи таъсири қараб чиқилди.

$$Y = 5,6 * 10^{-16} K^{0.37} * L^{7.9}$$


$$t = (-5,9) (5,8)(6,6) \quad R^2 = 0,97$$

Регрессион таҳлил натижаларига кўра қишлоқ қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида маҳсулот етиштириш ҳажмига капиталнинг таъсири заиф, аммо ишчи кучнинг таъсири юқори эканлиги ўз тасдиғини топди. Шунингдек, технологик коэффицент ҳам деярли нолга яқин қийматга эга бўлмоқда. Бундан кўринадикки, соҳада банд бўлган ишчи кучининг қуролланганлик даражасини

⁸ Манба: муаллиф ишланмаси

ошириш маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга ва ишлаб чиқариш омиллари орасидаги мақбул нисбатни таъминлашга хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш омилларида фойдаланиш самарадорлиги пастлигини ифодаловчи яна бир индикатор бу етиштирилган маҳсулотнинг субъектлар орасида нотекис тақсимланганлигидир. Жумладан, фермер хўжаликлари катта миқдорда ер, техника ва ишчи кучига эга бўлишига қарамасда маҳсулот етиштиришдаги улуши пастлигича қолмоқда. Аксинча, деҳқон хўжаликларида кам миқдорда ишлаб чиқариш омиллари мавжуд бўлишига қарамасдан маҳсулот етиштиришдаги улуши юқори бўлмоқда (2-расм).



2-расм. Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи ташкилотларнинг жами маҳсулотдаги улушининг ўзгариш динамикаси⁹

Яъни, 2010 йилда фермер хўжаликлари улуши 42,3 фоизни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич йиллар давомида пасайиш тенденциясига эга бўлгани ҳолда 2020 йилга келиб 31,5 фоизга тушиб қолган. Натижада, қолган иккита субъектнинг маҳсулот етиштиришдаги улушининг ошиши таъминланган, бу ўзгаришнинг катта қисми эса деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлар ҳиссасига тўғри келиб, уларининг улуши 55,2 фоиздан 64,4 фоизгача ошган. Ушбу натижалар корреляцион таҳлил асосида аниқланган, ишлаб чиқариш омиллари ва инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигининг пастлигини асослашга хизмат қилмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳаси аллақачон барқарор ривожланишнинг асосий механизми сифатида шаклланиб улгурди¹⁰. Шу билан бирга хизматлар соҳасининг ривожланган давлатлар ялпи ички маҳсулотидаги улуши ҳам ошиб

⁹ Манба: муаллиф ишланмаси

¹⁰ Laurentiu, Tachiciu. (2012). Contribution of Services to Economic Development. *Amfiteatru Economic*. 14. 578-579.

боргани ҳолда бугунги кунга келиб жаҳон ЯИИМда хизматлар соҳаси улуши 65 фоизни ташкил қилмоқда¹¹, натижада жаҳондаги жами банд аҳолининг 50,6 фоизи айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда¹². Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланган мамлакатлардаги юқори улуши, шунингдек ривожланаётган давлатлардаги улушини тез суръатларда ўсиб бориши унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги муҳим драйвер сифатида шаклланишига асос бўлмоқда. Шу сабабдан, иқтисодиётнинг бошқа соҳалари ривожини таъминлашда хизматлар соҳаси таянч вазифани бажариб келмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, ялпи қўшилган қийматининг 40,9 фоизини ташкил қилади ва инфратузилмани ривожланишини таъминлаш асосида бошқа тармоқлар тараққиётини таъминлашга асос бўлиб хизмат қилади. Қорақалпоғистон Республикасида стратегик аҳамиятга эга бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасининг ривожланишида хизматлар соҳаси, хусусан, ахборот технологияларидан фойдаланиш тармоғига эътибор қаратган ҳолда, уларни амалиётга жорий қилиш йўналишлари аниқланди.

Хизматлар соҳасидаги ўзгаришларнинг қишлоқ хўжалиги ривожига реал таъсирини ўрганиш мақсадида қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотларнинг асосий хизмат турлари бўйича эластиклик коэффициентлари ҳисобланди (2-жадвал).

2-жадвал

Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмини хизмат турлари бўйича эластиклик коэффициентлари¹³

	Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, млрд. сўм	Деҳқончилик маҳсулоти млрд. сўм	Чорвачилик маҳсулоти млрд. сўм
Хизматлар	0.45	0.34	0.56
Ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлар	0.37	0.27	0.46
Молия хизматлари	0.19	0.15	0.24
Транспорт хизматлари	0.67	0.5	0.83
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	0.26	0.19	0.34
Савдо хизматлари	0.48	0.35	0.6
Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	0.37	0.27	0.48
Таълим соҳасидаги хизматлар	0.49	0.37	0.6
Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	0.28	0.21	0.36
Ижара ва лизинг бўйича хизматлар	0.45	0.33	0.57
Компютерлар, шахсий фойдаланиш буюмлари ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	0.56	0.41	0.7

¹¹ Манба: <https://data.worldbank.org/indicator/NV.SRV.TOTL.ZS>

¹² Манба: <https://data.worldbank.org/indicator/SL.SRV.EMPL.ZS>

¹³ Манба: муаллиф ишланмаси

Эластиклик коэффициентини аниқлаш учун қуйидаги кўринишдаги функциядан фойдаланилди.

$$Y_i = \alpha * X_j^\beta$$

Бу ерда: Y_i –қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ҳажми, $i=1,2,3$. X_j –хизмат турлари. $j=1, \dots, 11$.

Худудда хизматлар ҳажмининг бир фоизга ошиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 0,45 фоизга олиб келади. Тармоқлар кесимида хизматларнинг таъсири деҳқончиликка пастроқ, чорвачиликка юқорироқ бўлиб, эластиклик коэффициентлари мос равишда 0,34 ва 0,56 га тенг.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажмининг транспорт хизматлари бўйича эластиклик коэффициенти энг юқори, яъни 0,67 ни, компьютерлар, шахсий фойдаланиш буюмлари ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари бўйича эластиклик коэффициенти эса 0,56 ни ташкил қилиши аниқланди. Мазкур кўрсаткичга эътибор қаратишдан мақсад компьютер технологияларидан фойдаланиш даражасини қишлоқ хўжалигига таъсири ўрганилган, чунки олдинги тадқиқотларимиздан маълумки, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда деҳқон хўжаликлари юқори улушга эга. Бу компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланишнинг бевосита қишлоқ хўжалиги фаолиятига таъсири мавжудлигини асослайди.

Умумий натижаларга кўра, деҳқончилик соҳасида маҳсулот етиштириш ҳажмига хизматлар соҳасининг таъсири нисбатан паст эканлиги аниқланди, яъни эластиклик коэффициентлари натижаларига кўра хизматларнинг таъсири бўйича аҳамиятлилиги ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига таъсири билан бир хил, бироқ ундан фарқли равишда мос эластиклик коэффициентлари бироз кичикроқ қийматга эга бўлмоқда. Хусусан, деҳқончилик маҳсулотларининг ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлар бўйича эластиклик коэффициенти 0,27 ни, компьютерлар, шахсий фойдаланиш буюмлари ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари бўйича эса 0,41 ни ташкил қилиши аниқланди.


Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳажмининг жами хизматлар ҳамда хизмат турлари ўзгаришларига таъсирчанлиги ялпи қишлоқ хўжалиги ва деҳқончилик маҳсулотларига қараганда анча юқори эканлигини кўриш мумкин. Жумладан, молия хизматлари бўйича эластиклик коэффициенти 0,83 га, компьютерлар, шахсий фойдаланиш буюмлари ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари бўйича эса 0,70 га тенг. Шу билан бир қаторда, ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлар бўйича эластиклик коэффициенти 0,46 ни ташкил қилмоқда.

Тадқиқот натижаларига кўра, хизматлар соҳасидаги ҳар қандай ривожланиш, қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш ҳажмига ижобий таъсир кўрсатади. Ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлар таъсири ўртача даражада эканлиги аниқланди, шунингдек, компьютерлар, шахсий фойдаланиш буюмлари ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар таъсири етарли даражада юқори қийматга эга бўлмоқда. Ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга кучли таъсирга эга бўлган хизмат тури сифатида транспорт хизматлари майдонга чиқмоқда.

Диссертациянинг “Қишлоқ хўжалигида ахборот технологияларидан фойдаланиш асосида самарадорликни оширишнинг истиқболли йўналишлари” деб номланган учинчи бобида қишлоқ хўжалигида оптималлаштириш масалаларини ечишнинг дастурий таъминоти яратилган, ахборот технологиялари асосида ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш истиқболлари, маҳсулот етиштириш ҳажмининг эконометрик моделлар асосида прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Рақобатбардошликка асосланган бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалик маҳсулот ишлаб чиқарувчилари ўзларининг даромаларини ошириш мақсадида кўплаб қарорларни қабул қиладилар ва оптимал ечимни излайдилар. Тадқиқотларимизга кўра, ушбу жараёнларда оптималлаштириш масалаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, мавжуд имкониятлардан фойдаланишнинг оптимал ечимларини топишга хизмат қилади.

Оптималлаштириш масаларини ечиш бўйича қатор дастурий таъминот ва иловалар мавжудлигига қарамасдан, улардан фойдаланиш даражаси пастлигича қолмоқда. Шу сабабли, қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштирувчилар учун оддий интерфейсга эга дастурий таъминот ишлаб чиқилди (3-расм).



3-расм. Тизимнинг асосий таркибий қисмлари ва ишлаш тартиби¹⁴

Тизимнинг вазифаси фермер хўжалигининг ўзида мавжуд ер, сув, ёнилғи, ишчи кучи ва бошқа ресурсларига мос равишда ердан фойдаланишнинг оптимал ечимларини топиб, таклиф қилишдан иборат.

Ушбу тизимдан фойдаланиш жуда оддий бўлиб, унга фойдаланувчи фақат қуйидаги маълумотларни киритиши kifоя. Биринчи босқичда:

1. Фермер хўжалигининг жами ер майдони (гектарда)
2. Шартнома бўйича пахта экиладиган майдон (гектарда)
3. Шартнома бўйича буғдой экиладиган майдон (гектарда)

¹⁴ Манба: муаллиф ишланмаси

4. Фермер хўжалигида мавжуд ёнилғи миқдори (литрда)
5. Фермер хўжалигига ажратилган сув лимити (тоннада/м³)
6. Доимий ишчилар сони.

Ушбу маълумотлар киритилганидан кейин эса иккинчи босқичга ўтилади. Иккинчи босқичда фермер ўзининг имконияти ҳамда тупроқ таркибидан келиб чиққан ҳолда пахта ва буғдойдан ташқари яна 14 та маҳсулот ичидан зарурини танлаши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган фермер хўжалигининг бир йилда етиштирган маҳсулотлари ва даромадлари дастур асосида аниқланган натижалар билан солиштирилиб, дастурнинг самарадорлиги аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси Тахтақўпир тумани “Зияда-Тахта” фермер хўжалигида экилган экин турлари, уларнинг даромад ва харажатлари (2020 йил)¹⁵

Экин тури:	пахта	буғдой	шоли	тарвуз	қовун
Экилган ер майдони, га	38	45	10	10	5.6
Бир гектар ердан олинган ўртача ҳосил, центнер.	23.7	40	40	150	150
Маҳсулотни сотиш ёки бозор нархи, сўм/кг.	3400	1500	2500	500	500
